



2020 yil «16» сентябрь № 523-1

Toyloq sh. – г. Тайляк

Тойлоқ тумани “Украв” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Равшанов Шаҳбоз Баҳриддин ўғлига давлат-шерикчилик шартлари асосида “Украв” маҳалла фуқаролар йиғини биноси ҳамда савдо ва майший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш тұғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 6, 23-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 20-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18-февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тұғрисида”ги ПҚ-4602 сонли қарорининг 9 ва 10-бандлари, Вилоят қурилиш Бош бошқармаси хузуридаги “Архитектура-шаҳарсозлик Кенгashi”нинг 29-сонли йиғилиш баёнига, Тойлоқ туман ҳокимлигининг “Инвестор” билан қурилиш ишларини бажариш муддатлари ҳамда объектни топшириш ва қабул қилиш тұғрисида тузилган уч томонлама шартномасига, Тойлоқ туман “Украв” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Равшанов Шаҳбоз Баҳриддин ўғлининг туман ҳокими номига ёзган аризасига ҳамда Маҳаллий давлат ҳокимияти тұғрисидаги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Галаботир” маҳалла фуқаролар йиғинининг эски маъмурий бино иншоотларининг бузилишидан бўшайдиган ер майдони ҳисобидан фуқаро Равшанов Шаҳбоз Баҳриддин ўғлига давлат-хусусий шерикчилик асосида маҳалла биноси ҳамда савдо ва майший хизмат кўрсатиш комплекси қуриш учун 290 кв.метр (шундан: 145 кв.метр маҳалла биноси қуриш учун, 145 кв.метр савдо ва майший хизмат кўрсатиш комплекси қуриш учун) ер майдони ажратилсин.

2. Фуқаро Равшанов Шаҳбоз Баҳриддин ўғлига давлат-хусусий шерикчилик асосида маҳалла биноси ҳамда савдо ва майший хизмат кўрсатиш комплекси қуришдан олдин қаттый равишда Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 8, 39, 54-моддаларига амал қилган ҳолда архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ), лойиха хужжатларини тайёрлаб Давлат архитектура қурилиш назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Фуқаро Равшанов Шаҳбоз Баҳриддин ўғли томонидан туман ҳокимлиги билан қурилиш ишларини бажариш муддатлари ҳамда объектни топшириш ва қабул қилиш тұғрисида тузилган уч томонлама шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда ушбу қарор бекор қилинсин ҳамда қурилиш тугалланмаган объект давлат муликига ўтказилиши белгилаб қуйилсин.

4. Туман қурилиш бўлими бош архитектори (С.Эралиев)га маҳалла биноси ҳамда савдо ва майший хизмат кўрсатиш комплекси қурилиши бўйича тайёрланган лойиха-смета хужжатлари асосида қурилишини назоратини олиб бориши вазифаси топширилсин.

5. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Хайитов)га, туман Ер ҳисботларига тегишли тартибда ўзгартирishлар киритиш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринbosари (Т.Хожиқулов) зинмасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Бабоназаров



НАДАДИМ ТОЙИЛ